



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мудирлар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Фтизиатрия" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №2" кафедраси

Профессор:

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Психиатрия ва наркология" кафедраси

Доцентлар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик №2" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Акушер ва гинекология №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Акушер ва гинекология №2" кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Педагогика ва психология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Гистология ва тиббий биология" кафедраси

ОМХ факультетига қарашли "Тиллар" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар №2" кафедраси

Ассистентлар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Ички касалликлар №3" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Онкология, нур диагностикаси ва терапия" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Юқумли ва болалар юқумли касалликлари" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Гистология ва тиббий биология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Информатика, биофизика ва нормал физиология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Патология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Жисмоний тарбия ва реабилитология" кафедраси

ОМХ факультетига қарашли "Тиллар" кафедраси

ОМХ факультетига қарашли "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш ва фуқаро муҳофаази" кафедраси

ОМХ факультетига қарашли "Ҳамширалик иши" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Акушер ва гинекология №1" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Тери-таносил касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Умумий ва болалар жарроҳлиги" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Нерв касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлари" кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб бир ойда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Азиз юртдошлар, устоз ва талабалар!

Ўтган 2016 йил академиямиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Айниқса ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни берди. Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик сиқилларга эришдик. Янгидан-янги илмий тадқиқотлар ва ихтирочилик ишлари республикамиз жамоатчилиги эътиборини қозонди. Маънавият ва маърифат, маданият ва спорт соҳасида қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳам ўзига хос салмоққа эга.

Академиямиздан Президент, Ибн Сино ва бошқа номдор стипендиантларнинг кўплаб чиққани ҳам юқорида қайд этилган ютуқларимизнинг самарасидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Янги — 2017 йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ" деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, янги йилда академиямиз жамоаси бир қатор хайрли тадбирларни ўтказишни мўлжалламоқда.

Қадрли устозлар, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар! Сизларни яна бир бор кириб келаётган Янги йилингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Илмий, ижодий, ўқимдаги фаолиятингиз ва интилишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Оилангизга тотувлик, ўзингизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Янги йилингиз муборак бўлсин, муҳтарам академиямиз жамоаси, қадрли профессор-ўқитувчилар ва азиз талаба ёшлар!

РЕКТОРАТ

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

БУЮК МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Инсон ҳаётида ўтаётган куннинг қандай бўлгани, аҳамияти эришган ютуқлари билан белгиланса, Ватан ва халқ тақдирида йиллар муҳим роль ўйнайди. Йиллар сарҳисоб қилинади ва натижалар таҳлили олиб борилади.

Жорий йилда халқимиз улкан ютуқлар билан бирга катта йўқотишларни ҳам бошидан ўтказди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислон Каримов вафоти халқимизни оғир қайғуга солди. Аммо халқимиз йўлини йўқотмади, аксинча, янада бирлашди, аҳил-ҳамжиҳат халқ эканини жаҳон узра яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-, 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ мамлакатимизда муддатидан олдин Президент сайлови ўтказилди. Сайлов миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очиқ-ошқора ва адолатли, халқаро талаблар даражасида бўлиб ўтди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ҳар бир янги йилга муайян ном бериш анъанасига асос солган эди. Йилларга ном берилар экан, бу йўналишда давлат дастури қабул қилиниб, соҳадаги ишлар ривожига муҳим қадамлар қўйилади.

Давоми 2-бетда.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov


Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



*Сен етгунча умр қадрига,
Умр ўтиб кетган бўлади.*



БУЮК МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2017 йилга "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб ном беришни таклиф этди. Бу Биринчи Президентимиз бошлаб берган инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиши каби ғоянинг мантикий давоми бўлди. "Бизнинг энг катта бойлигимиз бу меҳнатсевар халқимиздир", деган эди Биринчи Президентимиз. Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислохотларни, барча ҳудудларда бажарилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари замирида халқ манфаати, аҳоли фаровонлиги мужассам.

Инсон манфаатлари, халқ фаровонлигини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш муҳим ҳисобланади. Одатда яхши таклиф ва муаммоли масалалар самимий мулоқот ва суҳбатларда етилади ва ечимини топади.

"Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди", деди Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Жорий йил 25 сентябрда ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси жамоатчилик ўртасида энг кўп муҳокама қилинган масалалардан бўлди. Бу ерда одамлар нафақат шахсий муаммолари, балки яхши таклиф, фикр-мулоҳазалари билан ҳам қатнашиб турибди.

Маълумотларга қараганда, ўтган даврда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига фуқаролардан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда. Бу халқ билан қилинган очиқ ва самимий мулоқот натижасида муаммолар ҳал этилиб, масалалар ечим топган, таклифлар

такмиллаштирилиб, лойиҳалар амалиётга татбиқ этилишига олиб келди.

Халқ билан мулоқот инсон манфаатларининг юксалишига олиб келади. Яъни, мулоқот ва манфаат тушунчаси халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилга асосланади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг тубдан такомиллашишига замин бўлиб, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини топиш учун имконият яратади.

"Бизнинг асосий мақсадимиз – "Халқ қабулхоналари"га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат", деди Ш.Мирзиёев. Бу дегани ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этилиши кутилаётган "Халқ қабулхоналари" фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида амалиётга жорий этилади.

Яна бир жиҳат: бу қабулхоналар ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, қонун, фармон ва қарорлар ижросини аҳолининг кенг қатламига етказиш, уларнинг самарадорлигини янада оширишда муҳим қадам бўлади. Бу ишлар инсон манфаатларини таъминлашга, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги иншаримизни изчил давом эттиришга асос бўлади.

Халқимиз буюк мақсадлар, эзгу ниятлар билан яшаш қандай юксак марраларга, саодатга мушарраф этишини яхши билади. Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, деган тамойил халқимиз ҳаётида, турмуш даражаси ва сифатининг изчил ўсиб бораётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Шу боис Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш учун курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

Мустақиллик йилларида эришилган улғувор натижалар давомийлигини халқимиз ўзи танлаган, ўзи сайлаган Президенти раҳбарлигида давом эттиражак.

ЎЗА

"ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – МИЛЛАТ СОҒЛИГИ"

Аёлни улуғламоқ – оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир сабаби шундаки, аёл – аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

Дарҳақиқат, соғлом оналардан соғлом фарзандлар дунёга келади. Соғлом насл – соғлом жамият асосини ташкил қилади. Соғлом жамият ва соғлом насл эса соғлом турмуш тарзи замирида вужудга келади. Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам ёшларни соғлом оилавий ҳаётга тайёрлаш, ибратли соғлом оилавий муносабатларни шакллантириш, оилалар барқарорлиги, мустаҳкамлигини таъминлашда оила, никоҳ, эр-хотин муносабатлари муаммоларини ўрганиш, оила аъзо-

ларининг сиҳат-саломатликларини сақлаш саналади. Шу боис И.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарига "... ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг, наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим" деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, ҳар томонлама баркамол авлодни ҳаётга келтириш ва шакллантириш мақсадида жамоатчиликнинг тиббий маданиятини ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорларнинг ҳар бир банди ёшларимизнинг, айниқса, қизларимизнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, уларни оилага тайёрлаш, соғлом оилани шакллантириш учун замин бўладиган чоралар асосида тузилган. Ушбу дастурларда "Соғлом она – соғлом бола" ҳаракатини ривожлантириш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим йўналишлардан бирига айланган. Бу борада йил давомида ТТГА ёшлар ўртасида талайгина хайрли ишлар амалга оширилиб келинди.

Давоми 3-бетда.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бизга маълумки 2005-2014 йиллар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеяси томонидан "Барқарор тараққиёт таълими" умумжаҳон декадаси йиллари деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлардан "Барқарор тараққиёт таълими"нинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва бугунги кунда Ўзбекистонда тўлалигича ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (ОУМТВ) 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрлигига ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари" асосида ташкил этилган Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириши тармоқ марказига 2016 йил 2 октябрдан бошлаб бизлар, яъни Ўзбекистон Республикаси тиббиёт институтларида фаолият юритаётган педагоглар – жами 178 нафар киши ўқув режа ва дастур асосида, гуруҳларга бўлинган ҳолда даволаш иши "Тиббий биология" йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида ўқишни (тингловчиликни) бошлаб юбордик.

Раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш асосий ишдан ажралган ҳолда 8 ҳафта (288 соат) белгиланган бўлиб, назарий машғулот 74 соат, амалий машғулот 138 соат, малакавий амалиёт 28 соат, малакавий аттестация 14 соатни ташкил этади. 2016 йил 2 ноябрга қадар юктамаларнинг ярмини, яъни, 144 соатни ўзлаштириб, ўқув режадаги модуллар бўйича ассистентларга топширдик, натижалар яхши бўлмоқда.

Олий таълим тизимида педагогик жараёни ташкил этишда талабанинг ва ўқитувчининг муносабатига алоҳида эътибор қаратиш зарурати бу жараёнга янгича ёндашушни талаб этиб бормоқда. Янгича ёндашувнинг моҳияти – педагогик технология моҳияти билан мазмунан бирликни ташкил этади.

Шунинг учун малака ошириш маркази ўқитувчи – тренерлари ўзларининг ўқув режадаги модуллари бўйича ассесментлар ўтказиб, тингловчиларнинг бошқарув компетентлиги ҳамда ўқув модуллари доирасидаги билим, кўникма ва малакаларни турли шаклларда (тест суҳбати, савол-жавоб ва б.) баҳоладилар.

Ҳозиргача ўтказилган модуллар бўйича ўз касбининг маҳоратли усталари (тренерлари), профессор Д.Норқулов (модул 1.1), доцент Н.Ниёзова (модул 1.2), профессор Т.Сағатов (модул 6.1), катта ўқитувчи Д.Ўтбосарова (модул 2.1), профессор Б.Маматқулов (модул 5.2), катта ўқитувчи Г.Ҳазратова (модул 4.1), доцент Н.Бозорбоев (модул 3.1), катта ўқитувчи Э.Мирсаидов (модул 5.1), профессор Ҳ.Турсунов (модул 6.2) тингловчилар хурматига сазовор бўлдилар.

Шу ўринда, физика-математика фанлари номзоди, "Тиббий ва биологик физика, инфорацион технологиялар, нормал физиология" кафедраси мудири М.Бозорбоев "Ижтимоий фанлар" кафедраси доценти Н.Ниёзова "Педагогика ва психо-

логия" кафедраси катта ўқитувчиси Б.Ўтбосарова "Тиллар" кафедраси катта ўқитувчиси Г.Ҳазратовалар ўз касбининг фидойилари тимсолида биз тингловчиларда ижобий таассуротлар қолдирди.

Малака ошириш тармоқ маркази директори, т.ф.д, доцент У.Ташкенбаева ва бўлим бошлиқлари Бахтиёржон Аҳмеджановлар ўз фаолиятларини аъло даражада бажаришмоқда.

Малака ошириш маркази тингловчилари педагогик маҳоратларини ошириш билан бир қаторда Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримовнинг бошчилигида, маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор Т.Бобомуратов ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг кўрки бўлган Амир Темур музейи, Шаҳидлар хотираси хибёони, мотамсаро Она, уруш қурбонлари майдонлари, Туркистон саройига, А.Навойий номли опера ва балет театрига ташриф буюрдилар.

Бу ташрифлардан катта таассурот олдилар. Тошкент шаҳрида мустақиллигимиз даврида бўлган катта ўзгаришларни кўрдилар, миллий маданиятимиз, маънавиятимиз улкан ютуқларга эришадиганлигининг гувоҳи бўлдилар. Шу ўринда француз мутафаккири Виктор Гюгонинг қўйидаги сўзларини келтирмоқчиман: "Миллатнинг буюклиги унинг сон-саного билан ўлчанмаганидек, инсоннинг буюклиги унинг буй-баста билан ўлчанмайди, ягона ўлчов унинг маънавиятидир".

Тошкент Тиббиёт академиясининг малака ошириш марказида олиб борилаётган барча ишларнинг биринчи Президентимиз И.Каримов айтганларидек "Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун!" тамойили асосида олиб борилмоқда.

Яқунига етаётган "Соғлом она ва бола" йилида бизлар ҳам соғ-саломат режадаги ўқув фанларини аста-секин ассесментларни муваффақиятли топшириб битирув ишига тайёрланмоқдамиз.

Тошкент Тиббиёт академиясининг малака ошириш марказида тиббий биология йўналишидаги турли модулларни ўқиб тугатиб, қўйидаги таклифларимиз билан мурожаат қилмоқчимиз:

1. Тиббий биология йўналишидаги гуруҳларга дарс жадвалини шундай тузиш лозими, битта фан тугаб (битта модул тугаб), цикл бўйича иккинчисига ўтиш имконияти яратилса тингловчилар учун қулай бўлади;







2. Ҳаммамизга маълумки, ўқитиш жараёнида инновацион таълим технологияларини қўллаш ва педагогик компетентликка катта аҳамият берилган. Зеро биз борган ҳар бир модулда инновационлиқни ва компетентликни қўришни хоҳлардик, афсуски бундай эмас.

3. Тест маркази тармоғидан (ТМТ дан) чиқариладиган кириш ва чиқиш тестлари, яхши мутахассислар томонидан кўриб чиқилиши лозим, тест саволлари қисқа, мазмунли бўлиши, жавоблар ҳам шунга мос келиши керак (изоҳ: бир вақтлар тестларни "валидлиги" деган сўз юритиларди). Ҳозирги тест саволлари жуда узундан узок, жавоблар ҳам шундай.

Биз малака ошириш билан бир қаторда Тошкент Тиббиёт академияси ва Самарқанд давлат тиббиёт институтлари орасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамладик ва дарсларни модул системасида ўқитишда тажриба алмашдик.

Хулоса шуки, малака ошириш жараёни менинг фикримча хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг билим ва малакасини ошириш бугунги давр талаби эканига, бу ишларнинг йил давомида амалга оширилиши, дастур ва режалардан ўрин олган вазифалар кўзланган олижаноб мақсадларга етказишни кўзда тутаятган Тошкент Тиббиёт академиясининг нафақат Республикаимиздаги нуфузи, балки, МДҲ давлатлари орасида ҳам нега юқори даражада эканлигига амин бўлдик. Бу даргоҳда бўлғуси саломатлик посбонларининг босқичма-босқич билим олишаётгани, баҳс-мунозараларда чинқишаётгани, пировардида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги иштироки янада кенгаётгани қалбимизни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Н.СОДИҚОВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти
"Биофизика курси" мудири, физика ва математика фанлари номзоди, доцент



УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ



*Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод!
Лутфингла бир дилни қул қила олсанг,
Яхшидир юз қулни қилгандан озод!*

Тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилган бу байтлар Ўзбекистон тиббиёт оламининг буюк намояндаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Россия тиббиёт фанлари Академиясининг академиги, Беруний номидаги Ўзбекистон фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республикада хизмат кўрсатган шифокор, халқаро хирурглар жамиятининг ва хирург-гепатологлар халқаро ассоциациясининг аъзоси, Зиммельвейс номидаги Будапешт тиббиёт университетининг фахрий доктори, бетақорр ва беназир устозимиз Ўктам Орипович Орипов ҳақида айтилган десак муболага бўлмайди.

Ў.Орипов ўз ҳаёти ва фаолияти давомида оддийлиги, одамийлиги, халқчиллиги, самимийлиги билан бир эмас, минглаб одамларнинг кўнглини шод қилган, лутфу карами ила минглаб инсонларнинг қалбини ўзига ром қилган устоз, мураббий, кўп қиррали инсон.

Ў.Ориповнинг Ўзбекистон, дунё тиббиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида, оламшумул натижалар берган илмий ишлари ҳақида, тиббиёт соҳасининг намояндалари учун яратган имкониятлари ҳақида юзлаб мисралар ёзиб адоғига ета олмаймиз.

Шунинг учун биз устозимиз Ў.Ориповнинг фақат педагогик фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз, зеро бу йўл бўлғуси ва бугунги кунда педагогик фаолияти билан шуғулланиб келаётган муаллимлар, профессор-ўқитувчилар учун ҳам тақоррланмас ибратли йўл десак янглишмаган бўламиз.

1927 йил 3 январда Жиззах шаҳрида, оддий хизматчи оиласида дунёга келган Ў.Орипов 1943 йилда мактабни, 1948 йилда Самарқанд тиббиёт институтини тугатиб клиник ординаторликдан профессор, кафедра мудири, даволаш факультети декани, илмий ва даволаш ишлари бўйича проректор, Республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини ва ТошДавМИ факультет хирургия кафедрасининг мудири, ТошДавМИ ректорлигига бўлган катта йўлни босиб ўтди.

Самарқанд шаҳрининг ўзидаёқ Ўктам Орипович фаол ҳаётий позицияга эга инсон, синчков тадқиқотчи, кенг дунёқарашли олим, кўп қиррали жарроҳ сифатида шакллана бошлади. 1953 йилда у номзодлик диссертациясини, 1963 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини янгитдан ташкиллаштириш ва уни ихтисослаштирилган хизматларига ўтказиш, Республикада куйиш касаллиги, торакал, кон-томир, абдоминал хирургия, Республика колопроктология марказини, Республика гепатопанкреатобилиар хирургия марказини, тўқималар кўчириб ўтказилганда тўқималар номуаносиблигини енгиш бўйича муаммоли илмий-тадқиқот лабораториясини, буйрак кўчириб ўтказиш марказини, гемодиализ лабораториясини бўлимларининг ташкил этилиши академик Ў.Орипов номи билан боғлиқ.

Бундай ихтисослаштирилган хизматлар тармоғининг юзага келиши ўз навбатида клиник тиббиёт пойдеворининг мустаҳкамланишига, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилишига имкон бериш билан биргаликда, бундай фан-техника ютуқлари билан жиҳозланган, юқори малакали мутахассислар иш юритаётган марказларда Ўзбекистон, ҳамдўстлик мамлакатлари ва ўнлаб чет

эллардан келган талабаларни ўқитиш имкониятини ва пировард натижада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш имкониятини берди.

Ушбу марказларда талабалар учун ҳамма қулайликлар яратилган эди — марказлаштирилган, замонавий жиҳозланган кийиниш хоналари, овқатланиш шохобчалари, кенг, ёруғ ва иссиқ ўкув хоналари, маъруза заллари ташкил этилган эди.

Ў.Орипов ўзига ўта талабчан бўлганлиги сабабли педагог кадрларни танлашга жуда катта эътибор берар, номзодлар билан шахсан ўзи суҳбат олиб борар ва биринчи навбатда номзоднинг маънавий қиёфасига, интизомига, дунёқарашига, билимига, ташаббускорлигига, фидойилигига аҳамият берар эди. Ўз касбини ва талабаларни севмаган, маънавий паст, фидойи-ташаббускор бўлмаган, билимсиз ва интизомсиз инсон педагогик фаолият олиб боришга ҳақиқий йўқ деб ҳисоблар эди. Юқорида қайд этилган мезонлардан бирутрасида камчилиги бўлган шахс педагогик фаолиятга қўйилмас эди. Педагог-мураббий талабаларга ҳар томонлама ўрнатқ бўла оладиган, талабалар ҳавас билан қарайдиган, уларни эрғаштириш оладиган ҳар томонлама етуқ мутахассис бўлиши шарт эди.

Шу ўринда Ў.Ориповнинг ўзи ҳаммага ўрнатқ бўла олар эди. Ҳар бир талабага ҳурмат билан қарар, унинг иқтидорига қараб алоҳида ёндошар эди. Назарий ва амалий билимларни аксарият ҳолларда беморнинг олдига, текшириш хоналарида, операция хонасида, боғлов хонасида беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблар эди. Талаба билим олиш жараёнида ўқиши, эшитиши, ёзиши, кўриши ва амал қилиши шарт деб ҳисоблар эди. Талабалар операция босқичларини ўзлари кўришлари, бу жараёнинг ниҳоятда мураккаблигини билишлари ва масъулиятни сезишлари учун операция хоналари устида гумбазлар ташкил қилган, операция вақтида малакали профессор-ўқитувчилар операция жараёнининг босқичларини талабаларга тушунтириб борар эди.

Талабаларнинг ўзлаштиришлари осонроқ бўлиши учун режадаги мавзу бўйича маъруза эрталаб ўқилар, сўнгра олинган билим маърузадан сўнг назарий ва амалий дарс жараёнида мустаҳкамланар эди. Ў.Орипов ҳеч қачон битта мавзу бўйича икки марта бир хил маъруза ўқимаган: ҳар доим талабаларнинг саволларидан, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда янги ҳаётий маълумотлар билан маърузасини тўлатиб борар ва ўз навбатида маърузалар ўзаро савол-жавоб тарикасида мунозарарага бой бўлиб жуда қизиқарли ўтарди. Ў.Ориповнинг маърузасига аксарият ҳолларда ҳамма профессор-ўқитувчилар, ёш мутахассислар қатнашар ва дунё тиббиётидаги энг янги маълумотларни олишга муваффақ бўлишар эди.

Ў.Орипов ўзлаштириши қийин бўлган талаба-

ларнинг ҳам истиқболига ишонар ва тушунмаган мавзуларини оғир-вазминлик билан эринмасдан тушунтириб, амалий кўникмаларни кўрсатиб берар ва амалда бажаришига имконият берар эди. Ҳеч қачон талабаларга танбеҳ бермас, койимас, ҳаттоки овозини кўтариб гапирмас ва аксинча оталарча насиҳат қилар эди.

Академик Ў.Орипов томонидан чоп этилган ўнлаб китоблар, юзлаб ўкув қўлланмалари ҳозирги кунда ҳам талабаларни ва профессор-ўқитувчиларнинг севимли китобига, дастури-амалига айланган.

“Буюклик фақат буюк инсонларга хос” — 2000 йилда дунё илм аҳли XX асрнинг энг буюк 500 та олимини аниқлашга киришди. Миллионлаб олимлар, фан фидойилари ичида ўтказилган бу танловда ўзбек ўғлини Ўктам Орипович Орипов XX асрнинг энг буюк 500 олимидан бири деб тан олинди ва олтин медаль билан тақдирланди. Бу опамшумул воқеа эди.

Академик Ў.Орипов ва у томонидан яратилган илмий мактаб Ўзбекистонда тиббиёт фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. 25 та докторлик ва 70 дан ортиқ номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди, 400 дан ортиқ илмий ишлар чоп қилинди, шу жумладан 16 та монография, 3 та дарслик.

Академик Ў.Ориповнинг минглаб шогирдлари — фан номзодлари, фан докторлари, профессорлар, академиклар, соғлиқни сақлаш тизимини, республика миқёсидаги илмий марказларнинг раҳбарларидир.

Ҳозирги кунда академик Ў.Ориповнинг минглаб шогирдлари Ўзбекистонда, ҳамдўстлик мамлакатларида ва чет элларда халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилиб малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашда устозлик қилиб келмоқда.

Мақоламиз охирида Ўктам Орипович томонидан айтиб ўтилган, ҳозирги кунда эса тараққиёт тезлашуви сабабли янада долзарблиги ошиб бораётган ўғитлардан бирини эслаб ўтмоқчимиз — “Тиббиётни ўрганишни, тиббиёт билан шуғулланишни дарёнинг оқимида тескари сузиш билан қиёслаш мумкин. Тасаввур қилинг, агар оқимга қарши бир дақиқа, бир соат, бир кун сузилмаса, дарё сизни қайларга олиб бориб қўяди”.

Ўктам Орипович Орипов устозларнинг устозидир. Академик Ў.Ориповнинг ибратли, нурли ҳаёти доимо қалбимизда!

Т. БОБОМУРОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси маънавият ва маърифат ишлари проректори, т.ф.д., профессор
М. ПУЛАТОВ,
тиббий педагогика факультети факультет-госпитал хирургия кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н

ИЛМ ВА ИЖОД ЧОРРАҲАСИДА

“ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТ СОҒЛИГИ”

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий онгини янада ошириш мақсадида олий таълим муассасалари талабалари, ўрта мактаб ўқувчилари, маҳалла аҳолисининг тиббий онглари ошириш бўйича семинар-учрашувлар ўтказилди. 2016 йилнинг январь ойидан ноябрь ойига қадар бўлган муддат ичида ТТА ХҚҚ аъзолари иштирокида Тошкент шаҳри бўйича 350 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Йил давомида соғлом турмуш тарзи тарғиботи оммавий ахборот воситалари, телевидение ҳамда радио орқали суҳбатлар уюштирилди. Барчамизга маълумки, қизларни соғлом оналикка тайёрлаш учун авваламбор онанинг ҳомиладорлик вақтидаги соғлиги, қиз болани боғалик даврида чиниқтириш, юқумли, яллиғланиш ва бошқа касалликлардан сақлаш ёки касалликни даволашни охиригача олиб бориш ҳамда ўсмирлик даврида ўз вақтида тиббий кўрик ўтказишда улар орасида учрайдиган хавфли гуруҳларни аниқлаш ва уларни мутахассислар томонидан ўз вақтида соғломлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Соғлом она ва бола” йилида талаба қизларда соғлом турмуш малакалари, ўз саломатлигига нисбатан масъулият, жавобгарлик ҳисси, ғамхўрлик, турли зарарли одатларга ружу қўймаслик, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш, овқатланиш, кийиниш гигиеналарига ва муомала одаларига риоя қилишни шакллантириш мақсадида талаба қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Масалан, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассислари, Тошкент шаҳар СПИД маркази мутахассислари, Тошкент Тиббиёт академияси кафедраси профессор-ўқитувчилари иштирокида талаба қизлар ўртасида “Ўзбекистонда оила манфаатлари — давлат сиёсатининг устувор йўналиши”, “Баркамол авлод — оила ва жамият таянчи”, “Никоҳ ёши ва унинг атрофидаги муаммолар”, “ОИТСдан сақланиш: имкониятлар ўз қўлимизда”, “Ёшлар ва репродуктив саломатлик”, “Йод танқислигининг олдини олиш чора-тадбирлари”, “Анемия ва унинг олдини олиш”, “Тери таносил касалликлари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари”, “Сил тарқалганлик ҳолати ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари”, “Соғлом турмуш тарзи йўналишлари” каби мавзуларда давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Ўтказилган тадбирлар талаба қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом оилани вужудга келтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий саводхонлик даражасини оширишга хизмат қилади деб ишонамиз.

Л.АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси ХҚҚ раиси

Яқинда устозим, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, олим ва адиб Алижон Зоҳидий менга “Суврат ва сийрат” деб номланган ўзларининг 57-китобларини тақдим қилдилар. 10 босма тобоқдан иборат мазкур китобни мен бир кечадаёқ ўқиб тугатдим. Чунки китоб ўта оддий, содда, халқ тилида ёзилган бўлиб, унда аксарият тиббий мавзуларда илмий-оммабоп китоб ёзадиган олимларимиздан фарқли равишда мураккаб ва аҳоли учун тушунарсиз медицина атамалари мутлақо ишлатилмаган, балки баайни уста эртақчи ёнгинангизда ўтириб, тафсилотларни сиз учун тушунарли тилда баён қилиб бераётганга ўхшайди. Ўрни келганида муаллиф ўзининг сўз бойлигидан маҳорат билан фойдаланиб, тегишли муаммоларга боғлиқ латифа ва ҳажвияларни моҳирона қистириб кетган, бу эса китоб ўқилувчанлигини жуда оширади.

Ушбу китобда устоз ўзларининг қарийб ўттиз йиллик педагогик, шифокорлик, ёзувчилик, табиблик тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда одамнинг шакл ва моҳияти, ташқи кўриниши ҳамда ирсиятининг жисмоний-руҳий, жинсий ҳолатларига, темпераментига, феъл-атвориға, кайфиятига, дунёқарашига, инсонийлиги ва саломатлиги даражасига қай даражада мувофиқ келиши тиббий, ижтимоий, диний, фалсафий, руҳий ва мантиқий жиҳатларда асослаб берганлар. Шу билан бирга рисолада одам юзининг анатомик, физиологик, ирқий миллий кўрсаткичлари, мимикасининг ўзига хослиги, руҳият ва кайфиятдаги ўзгаришларнинг чехра ўзгаришларига таъсири илмий ва тарихий жиҳатдан муфассал асослаб берилган. Муаммога тарихий, фалсафий, мантиқий, ижтимоий жиҳатдан ёндошиш китоб ўқилувчанлигини янада оширади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб ёзилган бўлиб, ундан тиббиёт олийгоҳлари талабалари, тадқиқотчилар, шифокорлар, анатомлар, физиологлар, косметологлар, руҳшунослар ҳам ўзлари учун фойдали маълумотларни топиши мумкин.

Мен хизматим тақозоси билан ҳар куни юзлаб беморлар, уларнинг





қариндош-уруғлари билан мулоқот қилишимга тўғри келади. Табиийки, ҳамма вақт бирор зиддият пайдо бўлмаслиги, мунозара ва музокара-лар осон ва силлиқ кечиши учун ҳаракат қиламан, аммо таассуфки ҳамма вақт ҳам бунинг уйдасидан чиқиб бўлмайди. Чунки ички дунёси нопок, ҳасадгўйлик, ғаразгўйлик ва манфаатпарастликни касб қилиб олган кимсалар билан ҳам мулоқот қилишимга тўғри келади, баъзан. Ушбу китобни ўқиб, бундай кимсаларнинг шакл-шамойили ва ташқи кўриниши, ҳатто сўзлаш, қадам ташлаш хусусиятларининг ўзига хослигини билиб олгандай бўлдим. Шунга яраша муомала қилиб, анча муваффақият қозондим, ҳам.

Китобда ички касалликларнинг инсон чехраси, қадди-қомаги, юриштириши, ҳатто муомала маданиятига ҳам қанчалар таъсир этиши ишонарли манбалар билан асослаб берилган. Бу эса медицинадан мутлақо йироқ кишиларда ҳам тиббий саводхонлик даражасини ошириб, ўзида ёки суҳбатдошида қандай касаллик бошланаётганлигига гумон туғдиради.

Муаллиф хусусига келсак, устоз менга 1992 йилда ТошПМИда даставвал одам анатомияси, кейинчалик, яъни 1993 йилда нейрохирургия, яна ҳам кейинчалик, 1996 йилда болалар хирургияси фанидан сабоқ берган. Ҳамма вақт тиббий деонтология ва касб этикасига таяниб, талабаларнинг барчасини баайни ўз қондошлар ва жондошларидек кўриб сабоқ берганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бугунги кунда тиббиёт соҳасида нима муваффақиятга эришган бўлсак, уларнинг барчасида Алижон Зоҳидий каби самимий устозларнинг ҳолисона ҳиссаси бор деб эътироф этаман.

Эътироф муҳтасарида ушбу қизиқарли китоб ҳар бир юртдошимнинг хонадонига кириб боришини, муаллифга эса мустақил юртимиз фуқаролари саломатлигини яхшилашга қаратилган яна юзлаб китоблар битиш бахтини тилаб қоламан. Зеро, яхши ва мазмундор китоб юртимиз аҳолиси учун энг улуғ туҳфа деб биламан.

Маъфура САЪДУЛЛАЕВА,
ТТА 1-клиникаси бош шифокорининг муовини,
олий тоифали педиатр



Устоз Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги олдидан



Эркин Воҳидов поэтик тафаккури ғоят кенг ва тиниқ шоир эканлигини таъкидлаш зарур. Ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қараш, уларнинг туб моҳиятини англашга интилиш, қайси бири хайрли, қай бири сохталлигини аниқлай олиш истаги шоирнинг илк ижодий қадамларидан буён йўлдош бўлиб келди...

РУҲИЯТНИ ЁРИТГАН ШЕЪРИЯТ

Атоқли шоир Эркин Воҳидов портретига чизгилар

Одатда, улкан ва истеъдодли санъаткорларнинг бутун бир ижодигина эмас, балки ҳар бир асари ўнлаб, юзлаб олимлар томонидан батафсил тадқиқ қилинади, синчиклаб ўрганилади. Мабодо, улар бир жойга жамлангудек бўлса, ажойиб бир тафаккур чаманзориди дунёга келади. Ундаги бир-бирига мутлақо ўхшамаган ҳар битта гул ўз ранги ҳамда таровати билан кўнгилларга ором беради ва ижодкор гулзорининг турфалигини кўрсатувчи фазилатга айланади. Масалан, улғу Алишер Навоий ижоди 500 йилдан буён тадқиқ этиляпти, бундан кейин ҳам ўрганилаверади. Бу билан Навоий ижоди ҳақида айтиладиган фикр қолмади, деган муаммо келиб чиқмайди. Аксинча, фикр фикрни уйғотди деганларидек, ижодкор услуби ва маҳоратининг янги-янги қирралари очилаверади. Чунки ҳақиқий истеъдодли санъаткорнинг ижодий мероси уммонга ўхшайди. Унга шўнғинган ғаввос насибасига яраша дуру гавҳарларни териб чиқаверади, улар эса мутлақо тугамайди.

Замонамизнинг истеъдодли шоири Эркин Воҳидов ижоди ҳам ана шундай уммонлардан биридир. Агар шоир ижоди ҳақидаги илк мақолалар матбуотда эълон қилинганига ярим асрдан ошганини инобатга олсак ҳозиргача бу уммондан йиғиб олинган жавоҳирот хазинасининг ҳисобига етиш мушкул эканлиги аён бўлади-қолади. Шундан буён ўтган давр мобайнида бирон бир ўзбек адабиётшуноси йўқки, ўзининг илмий-тадқиқот ишларида, ҳеч қурса, бир марта Эркин Воҳидов номини тилга олмаган, шоир ижодига хос янги бир фазилатни кашф этмаган бўлсин! Шунга қарамай, бу санъаткор ижодининг очилмаган қатламлари жуда сероб. Мен ҳам ана шу қатламлар қаърига кучим ва нафасим етганча шўнғиб, Эркин Воҳидов шеърятининг ўзим илганга айрим фазилатлари ҳақида фикр юритмоқчи бўлдим.

Авалло, Эркин Воҳидов поэтик тафаккури ғоят кенг ва тиниқ шоир эканлигини таъкидлаш зарур. Ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қараш, уларнинг туб моҳиятини англашга интилиш, қайси бири хайрли, қай бири сохталлигини аниқлай олиш истаги шоирнинг илк ижо-

дий қадамларидан буён йўлдош бўлиб келаётди. Шоирнинг бадиий тафаккури доимий ҳаракатда бўлгани туфайли ўзининг сархил меваларини тез ва мўл-кўл бера бошлади. Натижада, Э.Воҳидов ижоди жадал суръатлар билан камолот чўққисига кўтарилди ва устоз адабиётшунос Умарали Норматов лутф қилганларидек, шоир қаламига мансуб ҳар бир сўз, ҳар бир сатр чиндан ҳам “Кўнгилларга кўчган шеърят”га айланади.

Маълумки, Эркин Воҳидов тенгдош бўлган авлод адабиётга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келди ва ўзбек шеърятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан янгиллади. Айнан шу йилларда қўлга қалам олган шоиру ёзувчилар юраги озодлик, эрк туйғуси билан тўлиб-тошган эди. Хурриятга, эрка интилган бу ижод аҳли ўз асарлари руҳига, энг аввало, миллатнинг қадр-қимматини улғулашни, миллий ифтихор туйғусини сингдиришни истади ва бунга дадил киришди. Натижада, бу авлоднинг илк шеърлариёқ ўша пайтдаги жамиятда чуқур томир отган ёлғонга, сохталликка, баландпарвозликка қарши исён сифатида жаранглади. Аммо бу исённи очик-ошкора баён этиш мумкин эмасди. Чунки яккахокимликни бой бериб қўйишни истамаган коммунистик мафкура заҳарли тишларини қайраб турарди. Хайриятки, шеърятда фикрни рамзий тимсоллар орқали ифодалаш, тиконни гулга ўраб “тортик” қилишнинг турли усуллари ва воситалари бор. 60-йиллар ижодкорлари ана шу усул ва воситалардан унумли фойдаланиб, одамлар юрагига кириб бордилар. “Менинг ҳам ўша йилларга мансуб шеърларимнинг ҳар учтадан биттасида жамиятдаги ёлғону алдовларга қарши исён туйғуси бор” дейди бу ҳақда Э.Воҳидов.

Аслида, бу авлоднинг хизмати шу билангина чекланмайди. Чунки улар ўз кўтлуг қадами билан шеърят соҳасидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий жабҳаларда ҳам, маънавий-маърифий майдонда ҳам туб ўзгаришларни вужудга келтирди. Ҳар бир ижодкор кулликка маҳкум этилган халқ ўзининг аянчли турмуши моҳиятини чуқурроқ англасин, унга танқидий нуқтаи

назардан қарасин, деган кўтлуг ният билан қўлга қалам олди, бутун адабиёти, маънавияти, маърифати тарихида том маънода янги саҳифалар очди. Улар бадиий сўз воситасида одамларнинг мудроқ қалбини уйғотди, онг-шуурида исён ясади.

Одамларга фақат шеърлигина эмас, балки ўзи ҳам кераклигини чуқур ҳис этиб яшаш истаги Эркин Воҳидовни ҳаммиша ана шу авлоднинг олдинги сафида юришга ундади. Шоир ижодининг илк қадамларидан ижодкорлик ва фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этиб, унинг залворли юкини онгли равишда зиммасига ортган ҳолда яшаб ва ижод қилиб келди. Агар синчиклаб қаралса, Эркин Воҳидов асарларида миллат шаънига мақтов ёғдиришдан, унга ҳамду санолар ўқишдан кўра, кўпроқ инсоннинг ҳаёт олдидаги бурчини англаши, замон унинг елкасига ортаётган таҳқирли юқдан қандай қилиб озод бўлиш йўллариини излаши лозимлиги тўғрисида ёзишни муҳимроқ деб билганини англаш қийин эмас. Шу боисдан, у бутун ҳаёти давомида ҳам ижодий, ҳам ижтимоий фаолиятини бир-бирига қўшиб олиб борди ва бу узвий боғлиқлик шоир шеърларига ўзига хос мазмун ҳамда ранг бағишлади.

Сўнги йиллар Эркин Воҳидов ижодининг ширага тўлган пайти бўлди. Бу фикримизни шоирнинг кейинги пайтда эълон қилган шеърлари, публицистик мақолалари, суҳбатлари тўла исботлаб турибди. Она халқига, Ватанига чинакам меҳр қўймаган ижодкор ҳар қанча истеъдодга эга бўлмасин бундай мавқега эриша олмайди. Меҳр-муҳаббати кучли, садоқати беқиёс бўлганлиги туфайли Эркин Воҳидов халқимизнинг чиндан ҳам ниҳоятда суюкли шоири бўлиб қолди. Шоир ўзбек шеърятига янги фикр, янги шакллар, янги образ, янги оҳанг, янги усул ва воситалар олиб кирди ва унинг тамоман янгиланишига муносиб ҳисса қўшди. Шоир шеърлари кўнгилларга ором, руҳимизга кўтаринкилик, вужудимизга мадад бағишлайди. Демак, шундай шоирни севмаслик, асарларини чин дилдан суйиб мутолаа қилмаслик мумкин эмас!

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

ЁШЛАРИМИЗ – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Миллатнинг етуқлик даражаси ҳар бир давлатда ёшларга ўз маънавият ва маърифатини ошириш учун хилма-хил шаклдаги шароит яратилганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, ёшларнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, қўлга киритаётган муваффақиятларини кўриб, юрт истиқболини тасаввур этиш қийин эмас. Албатта, ҳар бир ёш юрт, жамият, қолаверса миллат эртаси демакдир. Улар учун жаҳоннинг энг замонавий фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ва нуфузли таълим даргоҳларида ўқиш имконияти мамлакатимизда мавжуд. Таълим, ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиш масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Ана шундай иқтидорли ёшлардан бири Тошкент Тиббиёт академияси тиббий педагогика факультети 7-курс талабаси Ойбек Турғунхўжаевдир.

Ойбек 1992 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. У ёшлигиданоқ тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган волидаси – Саодат опага ўхшаб, инсонлар дардига даво топиш, уларнинг соғлигини сақлашдек масъулиятли касб эгаси бўлиш орзуси билан улғайди. Шу мақсадда у 34-мактабни муваффақиятли тамомлаб, 2007 йили Тошкент Тиббиёт академиясининг тиббий педагогика факультетига ўқишга кирди. Талабалик йилларининг ҳар бир кунини сермазмун ўтказишга интилган Ойбек ўқишнинг дастлабки йилларидан бошлаб билимга чанқоқлиги, барча фанларни қизиқиш ва иштиёқ билан ўзлаштириши, шу билан бирга фаол талаба сифатида ҳам тенгдошлари ва устозларининг ҳурматини қозона бошлади. Шу боис у талабалик йилларидан бошлаб анатомия, нормал физиология, офтальмология каби фанлардан илмий-амалий анжуманларида ўзининг қизиқарли мавзулари билан қатнашиб, иқтидорини намойиш эта бошлади. 2-курсда Ойбек ўртоқлари билан мустақил равишда каламушларда “Гелиатринидан интоксикациянинг қон томирлари ва бош миёга таъсири” бўйича тажрибалар ўтказган бўлса, 2012 йили эса Республика миқёсида ўтказилган нормал физиология фанидан ғойибликни қўлга киритди.

У айниқса 5-курсдан бошлаб неврология фанини чуқур ўрганишга интилиб, шу мақсадда асаб касалликлари кафедрасида фаолият кўрсатаётган “Ёш невролог” тўғрагида ушбу фан сирларини чуқур ўрганишга ҳаракат қила бошлади.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ўрнини топиши, танлаган касби сир-асрорларини чуқур ўрганиши ва одамлар билан муомала маданиятини эгаллашида маслаҳатчиси, устози ва андоза оладиган мураббийлари бўлади. Ойбекнинг болалиқдан тиришқоқ, бир сўзли, қийинчиликлар олдида довдираб қолмай, имкон излашга одатланиб вояга етишишида ота-онаси ибрат шамчироғи бўлган бўлишса, ёш мутахассиснинг шаклланишида, унинг ўз касбини пухта эгаллашга интилишида, даволашнинг замонавий усулларини ўзлаштиришида устозлари: профессор Ҳ.Ҳалимова ва ассистент Р.Матмуродовларнинг мураббийликлари беқиёс бўлмоқда. Устозлари ёрдамида ёш Ойбек “Паркинсонизм касаллиги ва ҳаракат бузилишлари” муаммоларини ҳар томонлама ўрганмоқда. Бу борадаги изланишлари натижаси академия ва республикамиз ҳамда чет мамлакатларда ўтказилган анжуманларда қизиқарли чиқишлар ва чоп этилган мақола тезислар (15 га яқин илмий ишлар) да ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, у 2015 йили апрель ойида академия миқёсида ўтказилган “Ёш олимлар” кунда “Паркинсонизм касаллигида кўз ҳаракатлари хусусияти” маърузаси билан қатнашиб, бош совринни қўлга киритди. 2015 йилнинг июнь ойида Германия пойтахти Берлин шаҳрида ўтказилган Европа неврологлари академиясининг 1-конференциясида маъруза билан чиқиш қилган бўлса,

ўша йилнинг декабрь ойида эса Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган “Паркинсонизм ва ҳаракат бузилишлари” мавзусидаги 21-анжуманда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 2016 йилнинг август ойида Ойбек Хитойда ўтказилган Suzhoubasi sciencesummer school Сужоу мактаби ташкил этган илмий семинарда қатнашиб, совриндор бўлди. Қувонарлиси шундаки, барча чиқишларини у инглиз тилида мукамал талқин этди.

Ойбекнинг илм-фан сирларини чуқур эгаллашга интилиш билан бирга ташкилотчилик роли ҳам уйғунлашиб бормоқда. Шу боис у 2016 йилнинг февраль ойидан бошлаб Америка неврологлар академияси қошидаги ўзбек талабалари шуъбасининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатиш билан бирга ҳаракат бузилишлари халқаро ушмаси (MDS-2014 й.), Европа ва Америка неврологлари академиялари (2015 й.), ҳаракат бузилишлари ва паркинсонизм халқаро уюшмаси (IMDS-2015 й.) аъзоси ҳисобланади.

Ойбек жуда интилувчан, тиббиёт ва айниқса, неврологиянинг охириги ютуқларидан доимо хабардор бўлишга, фан муаммоларини ўрганишга ҳаракат қилади, шунинг учун ҳам соҳага оид тиббий адабиётларни мутолаа қилади. Айниқса Брейдлиннинг “Neurology in clinical practice, Daroff and Jankovic” ва Вольтернинг “Parkinson disease and Other Movement Disorders” дарсликларини инглиз тилида зўр қизиқиш билан ўқиб, ўзлаштиришга интилади.

Ойбек ўқишдан бўш вақтларини ҳам фойдали ва қизиқарли ўтказишга интилади. У бўш вақтларида бадиий адабиётни севиб мутолаа қилиш билан бирга спортнинг альпинизм тури билан ҳам шуғулланади.

Орзулари ўзи сингари беғубор, соф бу иқтидорли талабанинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўзгача... Келинг, унинг фикр-мулоҳазаларини тинглайлик...

“Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитларнинг чегараси йўқ, йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоен этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларнинг ҳаётда ўзига мустақкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар тўғдириб бериш масаласига янада жиддий эътибор берилаётганлиги биз ёшларга нисбатан давлатимиз томонидан кўрсатилаётган кўплаб ғамхўрликларнинг бир ифодаси ҳисобланади, улар замирида мамлакатимиз келажаги бўлган – биз ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний етуқ, соғлом, эртанги кунимиз учун муносиб мутахассислар бўлиб етиштирилишига қаратилган ғоялар ва фикрлар ётади. Шундай экан, биз ёшлар эртанги куннинг яратувчилари ва бунёдкорлари сифатида билими, ақли ва доно бўлишимиз шарт!”

Сўзлари маъноли, ақли тийран Ойбекнинг орзулари бисёр. Бу йўлда унга орзуларидек беғуборлик ёр бўлсин...

Шоира ҚОДИРОВА,

ТТА тиббий педагогика факультетининг катта ўқитувчиси

